

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ СУБСИДИЯЛАШНИ КЕНГАЙТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

**Хатамов Адхам Собирович**

*ЎзРҚХВ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги  
соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар  
халқаро маркази мустақил изланувчиси*

Бугун жаҳонда глобал озиқ-овқат хавфсизлиги инқирози юз бераётганлиги ачнарли ҳақиқатдир. Глобал пандемиянинг энг ёмон таърафи дунё бўйлаб қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш тизимида нархларнинг ошиши етишмовчиликка сабаб бўлаётганини соҳа мутахассислари томонидан тан олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон фармонида “ҳозирги вақтда давлатнинг қишлоқ хўжалигига сарфланадиган харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1,68 фоиз Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) кирмайдиган 0,62 фоиз, ўртача даражадаги даромадли давлатларга нисбатан қарийб уч баравар ва ИХТТга аъзо мамлакатларга 0,17 нисбатан ўн баравар кўпдир” [1]. Шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалигида самарадорлик ва рақобатбардошлик ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари нисбатан пастлигича қолмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020- 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш, жумладан, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ажратилган тижорат кредитларининг фоиз ставкаларини субсидиялаш зарур. Ушбу ҳолат аграр соҳа корхоналарининг кредит тўловига лаёқатлилиги даражасини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини кредитлаш ва суғурталаш жараёнини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиш амалиётини такомиллаштириш илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммолардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда, «инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида рақамли технологиялардан фойдаланиш глобал миқёсда тез суръатлар билан ўсмоқда. Қишлоқ хўжалиги бундан мустасно эмас, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам, сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида Президентнинг бир қатор фармон ва қарорлари

қабул қилинган. Соҳа мутахассислари рақамли трансформациялар туфайли қишлоқ хўжалигининг умумий маҳсулдорлиги 2030 йилга келиб қарийб 60%га ошиши керак, шунда озиқ-овқат етишмовчилигига дуч келинмайди».

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш кўрсаткичлар динамикаси [1]

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Асос 2018 й.	2025 йилга мақсад	2030 йилга мақсад
1.	Қишлоқ хўжалигида қўшилган қийматнинг йиллик ўсиши	117,3 трлн. Сўм (14 млрд. АҚШ долл.)	5%	5%
2.	Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғида иш ўринлари сонининг ўсиши: Қишлоқ хўжалиги Озиқ-овқат саноати Тўқимачилик саноати	3671300 91420 140200	1% 4% 4%	1% 5% 5%
3.	Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти ҳажмининг ошиши	2,3 млрд. АҚШ долл.	10 млрд. АҚШ долл.	20 млрд. АҚШ долл.
4.	Аҳоли ўртасида тўйиб овқатланмайдиганлар улуши	6,3%	3%	0
5.	Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш (бир нафар ишчига бир йилда долларда)	3960 АҚШ долл.	5200 АҚШ долл.	6500 АҚШ долл.
6.	Қишлоқ хўжалигидаги иссиқхона газ чиқиндиларини камайтириш	15740 гигаграмм (2016 йил)	30%	50%

1-жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигида қўшилган қийматнинг йиллик ўсиши 2018 йилда 117,3 трлн. сўм бўлган бўлса 2030 йилгача ўсиш тенденциясини кўрсатади деб прогноз қилиниб ушбу кўрсаткич 5 фоизга ошиши кутилмоқда. Энг асосий кўрсаткич, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти ҳажми 2018 йилда 2,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса 2025 йилда 10 млрд. АҚШ долларини, 2030 йилга келиб 20 млрд. АҚШ долларига етказиш прогноз қилиниб аниқ мақсадлар белгилаб олинганлиги қишлоқ хўжалиги учун катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

«Жаҳонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, унинг глобал рақобатбардошлик индексини оширишда аграр соҳада бозор иқтисодиёти механизмининг амал қилишини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги

самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг юқори натижага эришишини таъминлаш, аграр соҳа тармоқларини инновацион ривожланишини рағбатлантириш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг оптимал даражасини аниқлаш орқали давлат ва хусусий шериклик тамойилидан кенг фойдаланишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда» [3].

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларини ривожлантириш учун «61 та субсидия тури бўйича 2021 йилга нисбатан 1,1 баробарга ошиб, 2022 йилда жами 791,5 млрд.сўмлик субсидиялар ажратилган. Хусусан: томчилатиб суғориш технологиялари жорий этишга 1059 та юридик ва жисмоний шахсларга 110,2 млрд.сўмлик субсидия маблағлари ажратилган. Бунинг натижасида 6,2 минг гектар янги интенсификация ёки тоқзорларда ҳамда 1,1 минг гектар бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларида томчилатиб суғориш технологиялари жорий этилган. Фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос агрегатлари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси қийматини субсидиялаш учун 38,9 млрд.сўм маблағ» [2] ажратилганлиги соҳа ривожини учун катта мададдир.

Шунингдек, «глобал иқлим ўзгаришлари натижасида бугун ер юзининг барча ҳудудларида тупроқнинг яроқсизланиши кузатиляпти, сув ресурслари эса йилдан йилга камайиб бормоқда. Инсон тараққиётининг чўққисини забт этаётган бир пайтда, аксарият мамлакатларга очарчилик ҳавф солаётгани аслида тушуниб бўлмайдиган вазиятга ўхшайди. Экспертлар таъбири билан айтганда, бу фақат ривожланаётган мамлакатларгагина ҳавф солмайди, балки ривожланган мамлакатлар ҳам бу вазиятдан четда қололмайди. Инсониятнинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш таборо ҳавф остида қолаётгани ҳам, ҳақиқатдир. Соҳани илм ва инновациялар кўмагида ривожлантириш эса – бугуннинг долзарб вазифасига айланди. Қишлоқ хўжалик соҳасини рақамлаштириш - замон талаблари асосида ривожлантиришнинг энг самарали усулидир» [4].

Бугунги кунда давлат томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермерларга субсидиялаш орқали молиявий ёрдам кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундай субсидияларнинг мақсади қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни рағбатлантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ жойларини қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан жуда муҳимдир. Шунингдек, субсидиялар тўғридан-тўғри тўловлар, имтиёзли кредитлар, солиқ имтиёзлари ёки маҳсулотларни давлат харидлари каби турли шаклларда берилиши мумкин. Улар ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш, инфратузилмани ривожлантириш, технологияларни модернизация қилиш, самарадорликни ошириш ва ҳоказоларни қоплаш учун қўлланилиши соҳа ривожини учун заминдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон фармони;

2. <https://www.agro.uz> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларидан фойдаланилган.

3. <https://itm.uz/wp-content/uploads/2022/04/3.%D0%9E%D1%87%D0%B8%D0%BB%D0%BE%D0%B2-%D0%9D.pdf> Очилов Н. «Қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини оширишнинг илғор хориж тажрибасининг қиёсий таҳлили» ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2021, 6(142).

4. <https://xs.uz/uzkr/post/hayotimiz-sifati-bugun-ishlab-chiqarish-oziq-ovqat-va-atrof-muhitga-bogliq> “Ҳаётимиз сифати бугун ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва атроф муҳитга боғлиқ”

## **ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИНИНГ БЮДЖЕТ ТУШУМЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ**

**Турсунбоев А.Ю.**

*Мустақил тадқиқотчи*

Табиий ресурслар мамлакат иқтисодиётининг асосий таянчи бўлиб, ишлаб чиқариш ва экспорт фаолияти шароитида чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш талаб қилинади. Мазкур шароитда давлат молиявий ва маъмурий инструментлардан фойдаланади. Хусусан, чекланган ресурслар шароитида давлат эҳтиёжи учун, ишлаб чиқариш ва миллий иқтисодиёт эҳтиёжи учун ресурслардан тўғри ва самарали фойдаланишни ташкил қилиш долзарб ҳисобланади.

Фойдали қазилмалар асосан стратегик турдаги хомашёларни сотишдан тушган тушум ҳисобидан давлат ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисми шаклланади. Бюджетнинг харажатлар қисмини шакллантиришда ушбу даромадлар ҳисобининг алоҳида юритилиши билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда 2021-2022 йилларда фойдали қазилмаларнинг янги конларини аниқлашга истиқболли майдон ва структураларда бажариладиган геология-қидирув ишларининг асосий йўналишлари тасдиқланиб, олтин бўйича ушбу давр давомида 70 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 2021 йилда 175 тонна 2022 йилда 200 тонна ресурслар жалб қилиш режалаштирилган [1].

Шунингдек, 2021-2022 йилларда республика минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш учун фойдали қазилма захираларини кўпайтиришнинг асосий кўрсаткичлари тасдиқланган бўлиб, 2022 йилда фойдали қазилма турлари бўйича 112 тонна олтин,